



**БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИГА ҚАБУЛ
ҚИЛИШ ВА ҲАҚ ТҮЛАШ БҮЙИЧА**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**БОЛАЛАРНИ ДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ТАШКИЛОТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ҲАҚ ТҮЛАШ
БҮЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент – 2024 йил

Ижтимоий ходимининг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича услугий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 17 бет.

Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва ҳақ тўлаш бўйича услугий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2024. – 17 бет.

Мазкур услугий қўлланма болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш асослари, болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва бошқа масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Мазкур услугий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Умумий қоидалар	1
Мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари, ушбу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари	2
Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш ва улардан чиқариш асослари	3
Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига жойлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби	4
Мактабгача таълим муасссаларига болалар таъминоти учун ҳақ тўлаш тартиби	5
Айрим тоифадаги шахсларнинг фарзандларини тўловлардан озод қилиш	6
Энг қўп бериладиган 10 та саволга 10 та жавоб	7
Соҳани тартибга соловчи қонунчилик хужжатлари.....	8



ҚИСМ:

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ
ПРИНЦИПЛАРИ, УШБУ СОҲАДА ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМДА
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ОЛИШГА ДОИР
ДАВЛАТ КАФОЛАТЛАРИ

QR кодни сканерланг
ва Қонунни ўзингизга
сақлаб олинг!



МАЪЛУМОТ УЧУН:



*Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Давлат узлуксиз
таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари,
давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари
ривожланишини таъминлайди. Давлат
мактабгача таълим ва тарбияни
ривожлантириш учун
шарт-шароитлар яратади.*

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 50-моддаси

*Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатлар
“Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига асосан тартибга солиниб, ушбу қонунда
мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари, ушбу соҳада
давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда мактабгача таълим
ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари белгиланган*

Мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари



ҳар бир бола учун мактабгача **таълим ва тарбия олиш** имкониятининг мавжудлиги;



мактабгача бўлган ёшдаги болаларга **таълим, тарбия бериш ва уларни соғломлаштиришнинг**, оила ҳамда мактабгача таълим ташкилоти **тарбиявий таъсирининг бирлиги**;



боланинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган **шахсий ёндашув**;



таълим ва тарбиянинг **демократик ҳамда дунёвий хусусиятга эгалиги**;



ҳар бир боланинг истеъоди нишоналарини, иштиёқлари ва қобилияtlарини ривожлантириш учун **шартшароитлар тенглиги**;



мактабгача бўлган ёшдаги болаларга **таълим ва тарбия бериш уйғунлиги**;



мактабгача ва умумий ўрта **таълимнинг изчилиги** ҳамда узлуксизлиги;



таълим-тарбия жараёнининг **шаффоғлиги ва очиқлиги**;



мактабгача **таълим ва тарбия мазмуни**, даражаси ҳамда ҳажмининг мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларига ҳамда соғлиғи ҳолатига мувофиқлиги.



МАЪЛУМОТ УЧУН:

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар

Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 77-моддаси

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари



- ҳар бир боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишга бўлган хуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;
- болаларнинг мактабгача таълим ва тарбияга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- боланинг ривожланишида, мактабгача таълим ва тарбия олишида оиласа ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;
- болаларнинг, шу жумладан алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун шарт-шароитлар яратиш;
- таълим ва тарбия беришнинг муқобил шаклларини яратиш ҳамда ривожлантириш;
- мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизmlарини жорий этиш ва ривожлантириш;
- мактабгача бўлган ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш



Мактабгача бўлган ёш қуидаги даврларни ўз ичига олади:

Гўдаклик

Мактабгача
бўлган кичик ёш

Илк
болалик

Мактабгача
бўлган ўртacha ёш

Мактабгача
бўлган катта ёш



Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш тартиби

Умумий турдаги давлат
мактабгача таълим
ташкилотлари

Қўшма турдаги давлат
мактабгача таълим
ташкилотлари

Умумий турдаги давлат
идоравий мактабгача таълим
ташкилотлари

Давлат-хусусий шерикликка
асосланган нодавлат мактабгача
таълим ташкилотлари

Буни билиш зарур

Болани учинчи шахслар томонидан ташкилотга
навбатга қўйиш ёки йўлланма олиш учун мурожаат
этиш фақат ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи
шахслар ёки боланинг яқин қариндошлари томонидан
берилган ишончнома асосида амалга оширилади



Болаларни ташкилотга қабул қилиш тартибини амалга ошириш

а) ташкилотлар раҳбарлари ташкилот қуввати ва тарбияланувчилар түғрисидаги маълумотларнинг доимий равища, шунингдек, ташкилотнинг бўш ўрни ҳақидаги маълумотларнинг гуруҳ очилган ёки ёпилган, гуруҳ қуввати ёки таълим тури ўзгарган, бола қабул қилинган ва ташкилотдан чиқарилган ёки бошқа гуруҳга ўтказилган вақтдан бошлаб бир иш куни ичида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимига киритиб борилишини таъминлайдилар;

б) давлат-хусусий шерикликка асосланган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган ахборот билан биргалиқда МТБАТга ижтимоий қўмакка муҳтож оилалар ва маҳсус контингент учун ажратилган квоталар жойларига қабул қилинган болалар ҳақидаги маълумотни киритадилар;

в) ташкилотларда бўш жойларнинг электрон ҳисобини юритиш, болаларни ташкилотларга қабул қилиш бўйича электрон навбатни шакллантириш, болаларни ташкилотларга қабул қилиш, шу жумладан, давлат-хусусий шерикликка асосланган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида ижтимоий қўмакка муҳтож оилалар ва маҳсус контингент учун ажратилган квоталар бўйича йўлланмаларни шакллантириш МТБАТ томонидан автоматик равища амалга оширилади;


г) ташкилотлар болаларни йўлланмалар асосида қабул қиласди



Давлат хизматларини кўрсатиш тартиби



Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ўз тизимидағи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотларнинг автоматик равища мунтазам янгиланиб борилиши учун ўз расмий веб-сайтининг билан интеграциялашувини таъминлайди, унда қуидагилар кўрсатилади:



Хар бир ташкилот манзили, унинг ихтисослашуви, гуруҳлар сони, ташкилотда гуруҳлар бўйича (болаларнинг ёши, таълими тили ва сменасини кўрсатган ҳолда) ўринлар сони ва бўш ўринларнинг мавжудлиги

Болаларни ташкилотга қабул қилиш бўйича навбатга киритилган сўровномалар рўйхати, шу жумладан, ўзбекистон республикаси ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги сўровнома рақами, ариза берилган сана ҳамда ташкилотдаги гуруҳлар бўйича навбат рақами

Регламентнинг 18-бандига мувофиқ болаларни ташкилотга қабул қилиш бўйича навбатга киритилган сўровномалар рўйхати (кейинги ўринларда - имтиёзли рўйхат), шу жумладан, яидҳидаги сўровнома рақами, ташкилотдаги гуруҳлар бўйича навбат рақами




Ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар), болаларнинг яқин қариндошлари (бобоси, бувиси, вояга етган акаси ёки опаси) ёки учинчи шахслар (кейинги ўринларда - ариза берувчилар) йўлланмалар олиш учун давлат хизматлари марказларига ўзлари келиб мурожаат қиласидилар ёки электрон шаклда давлат хизматларидан фойдаланиш учун мустақил равища (ёки ваколатли орган ёрдамида) ЯИДХПда рўйхатга олинадилар, шунингдек, давлат хизматидан комплекс тарзда фойдаланиш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига туғилишни қайд этиш билан бир вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Ариза берувчилар қуйидаги хуқуқларга әгадирлар:

Сўровномада ташкилотнинг бола учун тўғри келадиган ёшдаги бўш ўринларга эга бўлган гуруҳини (йўлланма олиш учун) ёки бўш ўринларга эга бўлмаган гуруҳини (навбатга киритилиши учун) кўрсатиш (танлаш)

Болани туғилган вақтдан бошлиб ташкилотга навбатга қўйиш



Бир вақтда уттагача ташкилотга болани навбатга қўйиш

Хато киритилган маълумотларни тузатиш

Давлат хизмати кўрсатилаётган ҳар қандай босқичда ундан фойдаланишни рад этиш

Сўровномага зарур маълумотларни расмийлаштиргандан ва киритгандан сўнг ариза берувчи уни жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (One ID) билан тасдиқлайди



Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

Болаларни ташкилотга қабул қилиш бўйича давлат хизмати **бепул** кўрсатилади.





Шу билан бирга, навбат келганлиги ва (ёки) навбатдаги ҳолат ўзгарганлиги ҳақида маҳсус рақамга сўров юбориш орқали **смс-хабар олиш имконияти яратилади.**

Бунда ҳар бир киравчи смс-хабар учун ариза берувчи ҳисобидан **белгиланган миқдорда тўлов ечилади.**

ДИҚҚАТ!



Ташкилотнинг ёпилиши, шунингдек, сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги, шу жумладан, маълумотларнинг регламентнинг 7 ва 18-бандларида назарда тутилган маълумотларга номувофиқлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.



Болаларнинг қўйидаги контингенти сўровномалари имтиёзли рўйхатга киритилади:

I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг болалари

«Аёллар дафтари»га киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ёлғиз аёлларнинг болалари

акалари ёки опалари ушбу муассасанинг тарбияланувчилари жумласидан бўлган болалар

кўп болали оиласларнинг болалари

контракт бўйича ҳарбий хизматчиларнинг ва ички ишлар органлари ходимларининг болалари


жумласидан бўлган болалар

етим болалар ёки ота-онасининг қаровисиз қолган болалар

талабалар ва педагогларнинг болалари

кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача ташкилотлардан умумий турдаги мактабгача ташкилотларга ўтказилаётган соғайган болалар

Имтиёзли рўйхатга киритиладиган, шунингдек, маҳсус контингентга кирувчи болаларнинг ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож оиласлар болаларининг сўровномалари давлат хизматлари марказларига бориб, устунлик хукуқини ёки тегишли контингентга киришини тасдиқловчи хужжатнинг аслини нусхасини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.




Мактабгача таълим ташкилотларига болалар таъминоти учун ҳақ тўлаш тартиби




Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатларда болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга (23.08.2016 йил, рўйхат рақами 2821) асосан белгиланади.

Мактабгача таълим ташкилотларида мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган жисмоний ёки психик ривожланишидаги нуқсонлари бўлган болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови ундирилмайди.



Болалар таъминоти учун тўловлар ота-оналар ва мактабгача таълим ташкилотлари ёки мактаб-интернатлар ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминоти учун тўловлар ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан тўланади. Ойнинг 15-санасидан кейин келган болалар таъминоти учун тўловлар эса, бола келган кундан бошлаб 3 кун ичида тўланади. Бунда тўловлар боланинг шу ойда мактабгача таълим ташкилотига қатнайдиган (мактаб-интернатида бўладиган) кунларга мутаносиб равиша тўланади



Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактаб-интернатларида болаларни сақлаш учун тўловлар тижорат банклари орқали нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда (банк пластик карточкалари орқали, пул ўтказиш орқали), шунингдек электрон тўлов йўли билан тўланади.

Тўловдан озод қилинадиган болалар рўйхати ҳар ўкув иилининг 25 сентябрь кунига қадар тегишли мактабгача таълим ташкилоти (мактаб-интернати) раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади. Рўйхатига кирмай қолган, шунингдек йил давомида аниқланган кам таъминланган оиласлар фарзандлари ҳисобидан захира шакллантирилади.



Тўловдан озод қилинган болаларнинг мактабгача таълим ташкилотига (мактаб-интернатга) қатнаши (бўлиши) тўхтатилиши натижасида бўшаб қолган ўринлар захирадан тўлдириб борилади. Бунда бўшаб қолган ўринлар Низомнинг 19-бандининг биринчи хатбоisisiga асосан имтиёзга эга бўлган болаларни биринчи навбатда танлаб олиш тамойилига риоя қилган ҳолда тўлдириб борилади.

Тўловдан озод қилинадиган болалар рўйхати у тасдиқлангандан кейин ўкув йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Болалар нечи ёшдан боғчага қабул қилинади?

Давлат боғчаларига 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар қабул қилинадилар. Хусусий боғчаларга қабул қилиш ёши ва тартиби ушбу боғчалар томонидан мустақил белгиланади.

Эслатма: 2022 йил 1 апрелдан бошлаб: тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга рухсат берилган.



Йўлланмани давлат хизматлари марказларига бориб олиш керакми?

Йўлланма шаклланиши билан мурожаатчига СМС хабар орқали ариза рақами ва маҳфий код юборилади. Ушбу маҳфий код билан тўғридан-тўғри боғчага бориш мумкин. Яъни, йўлланмани олиш учун давлат хизматлари марказларига бориш шарт эмас

Фойдаланилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар

1	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	
2	“Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонун	
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сонли қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низом	
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамоилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4546-сон қарори	
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги “Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4797-сон қарори	
6	Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори	
7	Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 марта даги 244-сон қарори билан тасдиқланган Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти	
8	Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги “Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 426-сон қарори	
9	Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (23.08.2016 й., рўйхат рақами 2821)	